



Чўчка териси кайси махсулотларда ишлатилади?

Огоҳ бўлинглар, чўчка териси харом бўлишига карамай, барча чарм махсулотларда қўлланилаётганини кўряпмиз. Уни оёқ кийимларда (туфли ва красовкалар ва хоказо), курткаларда, шунингдек сумка, портфель, хамён ва хоказоларда кўп ишлатишяпти. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, чўчка териси чарм махсулотларнинг нафакат устки, балки ички қисмида ҳам ҳам кўп учрайди (огоҳ бўлинглар!).

Чўчка териси нима учун ишлатилади?

Чўчка териса кўп мамлакатларда - хусусан миллий бозоримизнинг салмоқли улушини ўз махсулотлари билан таъминлайдиган Хитойда - арзон ва бемалол топиладиган нарса. Ундан ташқари, чўчка териси бошқа териларга, масалан кора мол терисига караганда енгилроқ. Айнан шу сифатлари учун чўчка териси бозори ривожланган.

Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, чўчка териси бошқа териларга караганда кўримсизроқ. Айнан шунинг учун кўпинча чарм махсулотларнинг устига бошқа терилардан ишлатиб, махсулот ичига эса арзонроқ бўлган чўчка териси қўлланилганини кўришимиз мумкин. Бундай махсулотларни сотиб олмаслик учун харидордан яна ҳам кўпроқ диққат-эътибор талаб қилинади.


Чўчка терисини қандай ажратиб олиш мумкин?




Чўчка териси бошқа чармларга караганда юпкароқ бўлади. Кўпинча чўчка териси замжга ўхшаб ишлов берилади.

Чўчка терисини аниқлашнинг энг оддий усули тери юзасида хос тешиқчалар бор-йўқлигини текширишдан иборатдир. Барча чўчка териларида **уч бурчак шаклида жойлашган майда тешиқлар**

ни кўриш мумкин. Бу тешиқчалар терига ишлов берилса ҳам шаклини йўқотмаслиги билан ажралиб туради. Лекин ишлов турига ёки терининг олди ёки орқа томонига қўлланилганига караб тешиқларни кўз билан илгаш биров кийинлашиши мумкин. Чўчка териси махсулотнинг ички қисмида қўлланилганда ёки махсулотлар ёпик бозор ёки бошқа савдо расталарида харид қилинганда уни аниқлаш яна ҳам кийинлашади. Бундай ҳолларда терини ёруғ жойларда (куёш ёки чирокка яқинроқ тутиб) кўриш маслаҳат

берилади.





Кўшимча маълумот ва фатволар

[Чўчка гўшти](#)

[Кошер\(ахли китоблар суйган\) гўшт халолми?](#)

[Чўчка гўштини истеъмол хакида](#)

[Чўчка бокиш хакида](#)

[Чўчка териси бўлган оёк кийим](#)

[Чўчка гўштини билмасдан истеъмом килсак...](#)

[Катрон](#)

[Чўчкани гайридинларга сотиш](#)

[«Гизо ва даводаги харом килинган ва нажас бўлган моддалар хақидаги қарор»](#)

[ЕЙИЛМАЙДИГАН ХАЙВОНЛАР ХАҚИДА](#)

[ХАЛОЛ ҚАСБ ТАЛАБИ ХАҚИДА](#)

[Е-322 моддаси](#)

[САХИХ, БОТИЛ, ФОСИД ВА МАКРУХ САВДО](#)

[“Чўчка гўшти ва саломатлик”](#)

[Соғлик ва бадан тарбия](#)

[Моида сураси, 3 оят тафсири](#)